

## Замонавий илм-фаннынг ёшлар ҳаётидаги аҳамияти

**Мұхтарам жамоат!** Маълумки, Ислом дини инсонларни илм олишга кенг тарғиб қиласы. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга нозил қилинган дастлабки оятларда ўқишига буюрилишнинг ўзи ҳам Ислом илму-маърифат дини эканининг ёрқин далилидир.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламдан ривоят қилинган күплаб ҳадиси шарифларда ҳам илмга тарғиб қилинган ва илм эгалари мақталган. Жумладан, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам илм ўрганишга тарғиб қилиб, шундай деганлар:

**طَلَبُ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ.** (رَوَاهُ الْإِمَامِ أَبْنِ مَاجَةَ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

яъни: “Хар бир мусулмон кишига илм талаб қилиши фарздир”, – дедилар (Имом Ибн Можа ривояти).

Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинган бошқа ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бундай деганлар:

**مَنْ جَاءَ أَجَلُهُ وَهُوَ يَطْلُبُ الْعِلْمَ لَقِيَ اللَّهَ تَعَالَى وَلَمْ يَكُنْ بِنَيْهُ وَبَيْنَ النَّبِيِّينَ إِلَّا دَرَجَةُ النُّبُوَّةِ**  
(رَوَاهُ الْإِمَامُ الطَّبَرَانِيُّ).

яъни: “Ким илм талаб қилаётган вактида ажали етиб қолса, Аллоҳ таолонинг ҳузурида у билан пайғамбарлар ўртасини фақат пайғамбарлик даражасигина ажратиб туради” (Имом Табароний ривояти).


Илм йўлида пок ният ва ихлос билан ҳаракат қилиш бандага жаннат йўлини осон қиласы. Ҳадиси шарифда шундай дейилади:

**وَمَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يَلْتَمِسُ فِيهِ عِلْمًا، سَهَّلَ اللَّهُ لَهُ طَرِيقًا إِلَى الْجَنَّةِ**  
(رواه الامام مسلم عن أبي هريرة رضي الله عنه)

яъни: “Ким илм излаб йўлга чиқса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб кўяди” (Имом Муслим ривояти).

**Мұхтарам азизлар!** Дунёда илм-фан шиддат билан ривожланмоқда, ҳар куни кашфиётлар қилинмоқда. Лекин шу кашфиётларнинг қанча қисми мусулмонлар хиссасига тўғри келмоқда? Афсуски, бу нисбат жуда кам бўлиб, бизни огоҳликка, илм-фан билан жиддийроқ шуғулланишга ундаиди. Тарихда мусулмон олимлари дунё халқларига күплаб кашфиётларни тақдим этганлар. Кашфиётларнинг кўпи аниқ фанларга тўғри келган, яъни математика, геометрия, астрономия, физика, кимё ҳамда тиббиёт фанлари ривожланган.

Бугунги кун ёшларига жуда кўп имкониятлар яратиб берилган. Ёшларимиз бу имкониятлардан оқилона ва тўғри фойдаланишлари лозим. Лекин, минг афсуслар бўлсинки, баъзиларнинг фарзандлари, хоссатан, мактаб ёшидагилар вақтларининг аксарини интернет ва компьютер ўйинлари (playstation) клубларида ҳар хил ножӯя ўйин ўйнаб, инсоннинг қалби ва имонига зарар келтирадиган расм ва видеоларни томоша қилиб ва тўғри йўлдан адаштирувчи нотаниш кишилар



билин сухбат ўтказиб, умрарининг олтин даврини зое қилмоқдалар. Ваҳолангки, бу даврда вақтнинг қадрига етиш, ундан унумли фойдаланиш лозим.

### عَنْ الْحَسَنِ الْبَصْرِيِّ: الْعِلْمُ فِي الصِّغْرِ، كَالْنَفْسِ فِي الْحَجَرِ

яъни: Ҳасанул Басрийдан ривоят қилинади. У зот: “Ёшликда ўрганилган илм тошига ўйилган нақшি кабидир”, – деганлар.

Улуғ аждодларимиз айтишган:

### ”الْوَقْتُ كَالسَّيْفِ إِنْ لَمْ تَقْطَعْهُ قَطَعَكَ“

яъни: “Вақт қилич кабидир, агар сен уни ўз вақтида кесмасанг, у сени кесади”.

Барчамиз ёш авлод таълим-тарбияси борасидаги давлатимиз олиб бораётган изчили ислоҳотларни амалга оширишда ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида саъю-ҳаракат қилсак, бу борадаги дунёқараш ва тасаввурларни тубдан ўзгартирусак, кўзланган мақсад ва натижаларга эришамиз. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтади:

إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنفُسِهِمْ ... (سورة الرعد/11)

яъни: “...Албатта, Аллоҳ бирор қавм ўзларидағи нарсани (неъматларга нисбатан муносабатни) ўзгартирганларича, улардаги нарсани (холатни ёмон ҳолатга) ўзгартирас...” (Раъд сураси, 11-оят).

Ҳар қандай жамиятнинг олимлари, зиёлилари, айниқса, ота-оналар миллатнинг маънавий дунёси қашшоқланмаслиги, ахлоқи бузилмаслиги, сохта ва бузғунчи эътиқодлар ва маданиятлар таъсирига тушиб қолмаслигига масъулдирлар. Фарзандларимизга мактабга бориб таълим олиш ҳам ибодат эканини етказишимиз керак. Ёшларнинг мактабда берилаётган дарсларни пухта ўзлаштиришларига алоҳида эътибор қаратиш ҳар бир ота-она ва устозларнинг масъулиятидир. Уларни ўз ҳолларига ташлаб қўйиб, қаерда юргани, кимлар билан ўртоқлашаётгани, нималарга қизиқаётганидан огоҳ бўлмасликнинг оқибати аянчли бўлади. Аллоҳ асрасин!

Хулоса шуки, динимиз бизга илмнинг турли соҳаларини ўзлаштиришга буюради. Ҳар бир киши ўз соҳасининг билимдони бўлсин ва шу йўналишда жамиятга фойдаси тегсин, ўзгаларнинг офирини енгил қилсин.

Аллоҳ таоло ёшларимизни камолотга эришишини, аждодларига муносиб авлод бўлишини насиб қилсин. Омин!

